Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, ЖУМОД АЛ-АВВАЛ, 16-КУН. ● ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, ҚАВС, 5-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган. 1991 йил 23 ноябрь, шанба, 227-сон НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН, СОТУВДА 10 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПОЙТАХТИ — ТОШКЕНТ ШАҲРИ БОШҚАРУВ ИДОРАЛАРИНИНГ МАҚОМИ ВА ТУЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг бошқарув идоралари мақомини ва тузилишини ўзгартириш ҳамда Тошкент шаҳрида ҳокимлик ташкил этиш тўғрисидаги таклифи асосан маъқуллансин.

2. Тошкент шаҳар ҳокими сайлови 1991 йил 29 декабрь, якшанба куни ўтказилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент шаҳар ҳокими сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун шаҳар сайлов комиссияси тузилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлигига номзодлар Қонун билан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган сиёсий партияларнинг, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг Тошкент шаҳар идоралари томонидан уларнинг конференцияларида, пленумларида, кенгашларида кўрсатилади.

Тошкент шаҳрида жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, фуқароларнинг турар жойлардаги камида 500 киши иштирок этган йиғилишлари ҳам кўрсатилаётган номзодни Тошкент шаҳрида доимий яшайдиган ва сайлов ҳуқуқидан фойдаланадиган, камида йигирма минг фуқаро қўллаб-қувватлаган тақдирда Тошкент шаҳар ҳокимлигига номзод кўрсатишлари мумкин. Фуқаролар имзосини тўплаш тартибини шаҳар сайлов комиссияси белгилайди.

Тошкент шаҳар ҳокими сайловини ўтказувчи комиссияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши, овоз бериш участкалари ташкил этиш, бюллетенлар тайёрлаш, овоз берувчилар рўйхатларини тузиш, овоз беришни ташкил этиш ва овозларни ҳисоблаб чиқиш, сайлов натижаларини аниқлаш тартиби ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикаси пойтахти — Тошкент шаҳри ҳокимини сайлаш тартиби тўғрисидаги ва шаҳар бошқарув идораларининг мақоми ва тузилиши тўғрисидаги мувақкат низомларга мувофиқ ҳал қилинади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳамда Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетлари халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг таклифи юзасидан Ўзбекистон Республикаси пойтахти — Тошкент шаҳрининг мақоми тўғрисида қонун лойиҳасини тайёрласинлар ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг муҳокамасига киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси **Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри, 1991 йил 18 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРТИШЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Бокова Татьяна Евгеньевна ўз розилигига кўра бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзоси вазифасидан озод этилсин.

2. Саидов Каримжон Усмонович Тошкент шаҳар судининг аъзоси вазифасидан озод этилиб;

Қудратхўжаев Баҳром Ваққосович Тошкент вилоят судининг аъзоси вазифасидан озод этилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзолари этиб сайлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси **Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри, 1991 йил 21 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИК ОДОБИ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Депутатлик одоби комиссияси қуйидаги таркибда тузилсин:

Комиссия раиси:

Юсупов Машариф (132-Хартум) — Андижон вилоятидан Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, Миллатлараро муносабат масалалари, тил ва маданият комитетининг аъзоси

Комиссия аъзолари:

Абдувосиқов Абдуманноб (63-Олмалиқ) — Тошкент вилоятидан Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, Давлат ва жамоат хавфсизлиги, мудофаа ҳамда ҳарбий хизматчиларни муҳофаза қилиш комитетининг аъзоси

Абдуллаев Рустам (409-Марғилон) — Фарғона вилояти ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, Ошкоралик масалалари комитетининг аъзоси

Исроилов Келдиёр (294-Қўнғирот) — Самарқанд вилояти молия бошқармасининг бошлиғи, Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитетининг аъзоси

Раҳмонов Равшан (175-Саноат) — Тошкент давлат педагогика институтининг Навоийдаги филиали директори, Ёшларга доир сиёсат комитетининг аъзоси

Рўзиматов Миразиз (109-Оржоникидзе) — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги раиси

Сиддиқов Жамол (257-Тошбулоқ) — халқ депутатлари Наманган район Советининг раиси, Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитетининг аъзоси

Синдоров Қўзибоқар (386-Ленинград) — Сирдарё районидаги «Ленинград» жамоа хўжалигининг раиси, Халқаро ишлар комитетининг аъзоси

Хлебушкина Антонина Павловна (56-Дўстлик) — Тошкентдаги 22-болалар уйининг директори, Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комитетининг аъзоси

Чегибоев Султон (205-Қарши) — «Каршистрой» ихтисослашган қурилиш бирлашмасининг бошлиғи, Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитетининг аъзоси

Қодиров Усмон (354-Пистамозор) — Сурхондарё вилояти Денов район ижрокоми раиси, Ёшларга доир сиёсат комитетининг аъзоси

Қурбонбоев Болтабой (461-Ҳазорасп) — Хоразм вилояти халқ назорати комитетининг раиси, Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг аъзоси

Қутлимуродов Султонмурод Есбергенович (495-Охунбобоев) — Қорақалпоғистон Республикаси халқ депутатлари Хўжайли район советининг раиси, Транспорт, йўл, хўжалиги, алоқа ва информатика комитетининг аъзоси

Ҳасанов Муқум (370-Токчилик) — халқ депутатлари Жиззах район Советининг раиси, Аграр масалалар ва сув хўжалиги комитетининг аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси **Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри, 1991 йил 21 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЙРИМ ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДЛАРИНИНГ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРТИШЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Саприкин Виталий Терентьевич ўз хоҳишига кўра Фарғона вилоят суди раисининг ўринбосари ва шу суд раёсати раисининг ўринбосари вазифаларидан;

Йўлдошев Собит ўз розилигига кўра бошқа ишга ўтиши муносабати билан Фарғона вилоят судининг аъзоси вазифасидан озод этилсин.

2. Абдиев Тоҳир — Самарқанд вилоят судининг аъзоси қилиб;

Бердиев Шоназар — Тошкент шаҳар судининг аъзоси қилиб;

Мамадалиев Абдуғаффор — Самарқанд вилоят суди раисининг ўринбосари қилиб;

Расулов Муҳрумжон Набиевич — Тошкент вилоят судининг аъзоси қилиб сайлансин.

3. Қўзиев Эгамберди — Фарғона вилоят суди раёсатининг аъзоси қилиб;

Мамадалиев Абдуғаффор — Самарқанд вилоят суди раёсати раисининг ўринбосари қилиб;

Мухторов Муҳаммад — Бухоро вилоят суди раёсатининг аъзоси қилиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси **Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри, 1991 йил 21 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НАЗОРАТ ПАЛАТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республика олий вакиллик идорасининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўзда тутилган назорат қилиш вазифаларини янада тўлиқ амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Назорат палатаси ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Назорат палатаси тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш учун қуйидаги таркибда ишчи гуруҳи тузилсин.

Мирқосимов М. М. — Ўзбекистон Республикаси Халқ назорати комитетининг раиси (гуруҳ раҳбари)

Хўжаев Э. Н. — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитетининг раиси

Халилов Э. Ҳ. — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси

Нажмиддинов Ф. Н. — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо комитетининг раиси

Маҳмудов Б. М. — Сирдарё вилоят ижрокомининг раиси

Қурбонбоев Б. — Хоразм вилояти халқ назорати комитетининг раиси

Асепков Ю. А. — Ўзбекистон Республикаси халқ депутати

3. Ишчи гуруҳи шу йилнинг 20 декабрига қадар Ўзбекистон Республикаси Назорат палатаси тўғрисидаги қонун лойиҳасини ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни навбатдаги сессия муҳокамасига киритиш учун Олий Кенгаш Раёсатига тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси **Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри, 1991 йил 18 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ жаноби олийларига

Туркия Республикасининг 68 йиллиги муносабати билан йўлланган табрик телеграммаси учун турк халқи номидан ва шахсан ўз номимдан самимий миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Шунга ишончим комилки, умумий чегараларимиз йўқлигига қарамай, умумий маданиятга ва тарихий меросга эга бўлган, бир-бирларини қардошлик туйғулари боғлаб турган дўстона ва қардош мамлакатлар ўртасидаги алоқалар келажакда барча соҳаларда янада мустаҳкамланиб боради.

Шу боис Сизнинг Туркияга қиладиган ташрифингиз ва менинг Сиз билан учрашишим муносабати билан ғоят шод эканлигимни изҳор этмоқчиман. Бу ташриф, учрашув бизнинг алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш йўлида яна бир қадам бўлади.

Бу мактуб билан Сиз жаноби олийларига саломатлик ва бахт-саодат, эзгу ниятларимни йўллайман. Қардош ўзбек халқига эса гуллаб-яшнашни ва бахтли келажакка эришишни истайман.

Тургут ОЗАЛ,
Туркия Республикасининг Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонунга мувофиқ Республика Олий Кенгаши Раёсатининг қарори билан 1991 йил 29 декабрга белгиланган биринчи Президент умумхалқ сайловини ва Ўзбекистон давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдумни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси зиммасига юкланган.

22 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди. Уни комиссия раиси Қ. А. Аҳмедов бошқарди.

Мажлисда бу катта ижтимоий-сиёсий тадбирларни ўтказиш республика турмушида, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ишида, ижтимоий кучларни жипслаштиришда, вазиятни барқарорлаштиришда, халқ фаровонлигини яхшилашда ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Сайлов кампанияси даврида, референдумни тайёрлаш ва унинг якунларини чиқаришда қонунга қатъий риоя этиш зарурлиги таъкидланди.

Комиссия Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ва референдумни ўтказиш юзасидан асосий тадбирларнинг календарь режасини тасдиқлади. Сайлов округлари тузилди ва Президентликка кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлаш юзасидан фуқароларнинг имзоларини тўплаш тартиби белгиланди.

Бир қанча бошқа ташкилий масалаларга доир қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қилиб ёши 35 дан кам бўлмаган ва 65 дан ортиқ бўлмаган, ушбу Қонунга мувофиқ сайланиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаросигина сайланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 5 йил муддатга сайланади.

Бир фуқаронинг ўзи кетма-кет икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг Президенти халқ депутати бўлиши мумкин эмас.

2-модда. **Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган руҳий бемор фуқаролар ва суднинг ҳукмига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар ёки жиноят-процесуал қонунларда белгиланган тартибда олдини олиш чораси —ҳибсда сақлаш чораси қўлланилган шахслар сайловда қатнашмайдилар.

3-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш принциплари**

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш бўйича сайловолди кампаниясида ва овоз беришда ихтиёрий равишда қатнашадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича овоз бериш яширин бўлиб, фуқаролар томонидан бевосита амалга оширилади. Фуқароларнинг хоҳиш-ирода билдиришлари устидан назорат этилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси битта овозга эга.

4-модда. **Сайлов комиссияларининг сайловни ўтказиши**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишни қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг вакилларидан, меҳнат жамоалари ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ҳамда хизматчиларининг талабалар билан биргаликда ўтказиладиган йиғилишларининг вакилларидан, шунингдек турар жойлардаги сайловчилар, ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчилар намояндаларидан ташкил этиладиган сайлов комиссиялари таъминлайди.

5-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ва уни ўтказишда ошкоралик**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва уни ўтказишда қатнашаётган сиёсий партиялар, давлат ва жамоат идоралари ўз фаолиятларини очиқ ва ошкора олиб борадилар.

Сиёсий партияларга, касаба уюшмаларига, бошқа жамоат бирлашмалари ва оммавий ҳаракатларга, меҳнат жамоалари ва фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ҳар қандай номзодни ёқлаб ёки унга қарши ташвиқот юргизиш ҳуқуқи кафолатланади. Бунда Президентликка номзоднинг шани ва қадр-қимматини ерга урадиган, ёлғонлиги аниқ бўлган маълумотларни ёзма ёки оғзаки тарзда тарқатишга йўл қўйилмайди.

Овоз бериш куни ташвиқот олиб бориш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича тегишли идораларнинг ҳамма қарорлари қабул этилган вақтдан бошлаб етти кун мобайнида эълон қилиниши, радио ва телевидение орқали ўқиб эшиттирилиши керак.

Сайлов комиссиялари аҳолини ўз таркиблари тўғрисида, сайлов участкалари қаерга жойлашган ва қачон ишлаши ҳақида ҳамда сайловчиларнинг рўйхатидан ўз вақтида хабардор этади.

Сайлов комиссияларининг мажлисларида, сайлов участкаларида овоз бериш вақтида, овозларни ҳисоблаб чиқиш, шунингдек овоз бериш натижаларини аниқлаш чоғида халқ депутатлари, Қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинган сиёсий партиялар, касаба ва бошқа хил жамоат бирлашмаларининг, оммавий ҳаракатларнинг, шунингдек меҳнат жамоаларининг, турар жойлардаги фуқаролар йиғилишларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлишга ҳақлидирлар. Вакиллар уларни йўллаган ташкилотлар йиғилиши баённидан тасдиқланган кўчирма ёки уларнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатга эга бўлишлари лозим. Сайлов комиссияларини айтиб ўтилган вакиллар ҳозир бўлиши кўзда тутилаётгани тўғрисида олдиндан хабардор этиб қўйиш талаб қилинмайди. Сайлов комиссияларининг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

6-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг моддий таъминоти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат маблағлари ҳисобидан қопланади. Ўзбекистон Республикаси корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг, жамоат бирлашмалари ва айрим фуқароларнинг ана шу мақсад учун ихтиёрий равишда берган маблағларини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси қабул қилиб олади ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ўртасида уларни сайлов кампаниясига тенг миқдорда тақсимлаш учун республика бюджетига топширади.

Давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда уларнинг бирлашмалари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун зарур бино ва ускуналарни сайлов комиссиялари ихтиёрига бепул бериб қўядилар. Сайлов комиссиялари иш олиб бориши учун давлат ихтиёрида бўлмаган корхоналар ва ташкилотларнинг бинолари ва ускуналари ижарага олинганида ижара ҳақи республика бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

Номзодлар кўрсатиш ҳамда уларнинг сайловолди ташвиқот кампаниясини ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

Ажнабий ташкилотлар ва хусусий шахсларнинг, шунингдек бошқа республикалар ва улар фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар олиб бораётган сайлов кампаниясини пул билан таъминлаш ва бошқа йўсинда моддий мадад беришда бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита иштирок этиши тақиқланади.

7-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик**

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ва Президентликка сайланиш ҳуқуқини эркин равишда амалга оширишга, сайловолди ташвиқоти олиб боришга зўрлик, алдов, таҳдид этиш ва бошқа йўсинда тўсқинлик қилган шахслар, шунингдек сайлов ҳужжатларини сохталаштирган, овозларни атайин нотўғри ҳисоблаган, овоз бериш яширинлигини бузган ёки ушбу Қонун бошқа йўсинда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ва жамоат идораларининг мансабдор шахслари Қонунда белгилаб қўйилган йўсинда жавобгар бўладилар. Номзодларнинг шани ва қадр-қимматига доғ туширадиган сохта маълумотларни эълон қилган ёки бошқа йўсинда тарқатган, сайлов комиссиялари аъзоларига нисбатан ҳақоратомуз муносабатга йўл қўйган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ ВА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ

8-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши ёки унинг Раёсати сайловдан камида 40 кун олдин тайинлайди. Сайлов ўтказиладиган кун тўғрисидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва таъминлашга доир қарорни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати қабул қилади.

9-модда. **Сайлов округларни тузиш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов округларини Марказий сайлов комиссияси вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси чегаралари доирасида тузади.

Сайлов округларининг чегаралари, сайловчиларнинг сони ҳамда округ сайлов комиссияси қаерда жойлашгани кўрсатилган сайлов округларининг рўйхатларини Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тайинланганидан кейин кечи билан 10 кун ўтгач эълон қилади.

10-модда. **Сайлов участкалари тузиш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови чоғида овоз беришни ўтказиш ва овозларни ҳисоблаб чиқиш учун ноҳиялар, шаҳарлар, шаҳарлардаги ноҳиялар ҳудуди сайлов участкаларига бўлинади. Сайлов участкалари шунингдек ҳарбий қисмларда ҳам тузилади.

Санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин ноҳиялардаги фуқаролар яшаб турган жойларда сайлов участкалари ташкил этилиши мумкин.

11-модда. **Сайлов участкалари ташкил этиш тартиби ва нормаси**

Сайлов участкаларини халқ депутатлари район, шаҳар (районга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари), шаҳарлардаги район советлари ёки уларнинг раёсатлари ҳар бир участкага, қоида тариқасида, 20—3000 сайловчи нормасида ташкил этади. Ҳарбий қисмларда сайлов участкаларини халқ депутатлари маҳаллий советлари ёки уларнинг раёсатлари қисмлар ва қўшин бирлашмалари командирларининг тақдимига кўра ташкил этадилар.

Сайлов участкалари сайлов белгиланганидан кейин ўн бешинчи кунидан кечиктирмай ташкил этилади. Ҳарбий қисмларда, шунингдек олис ва бориш қийин жойларда сайлов участкалари худди шу муддатда ташкил этилади, истисно тариқасида сайловга камида беш кун қолганда ташкил этилади.

Тегишли халқ депутатлари Совети ёки унинг раёсати ҳар бир сайлов участкасига овоз беришни ташкил этиш учун бино ажратади.

Тегишли халқ депутатлари маҳаллий Совети ёки унинг раёсати ҳар бир сайлов участкасининг чегарасини тўғрисида участка сайлов комиссияси ва овоз бериш учун ажратилган бино қаерда жойлашганлигини кўрсатиб сайловчиларни хабардор этишни йўлга қўяди.

12-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва уни ўтказиш учун:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси;

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари;

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари тузилади.

13-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясини тузиш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси раис, раис ўринбосари, котиб ва камида 16 аъзодан иборат таркибда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати Марказий сайлов комиссиясининг раиси ва аъзоларини Қонун билан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган республика сиёсий партияларининг, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг раҳбарлари фикрини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Советларининг ёки улар раёсатларининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда сайлов кунн тайинланганидан кейин уч кун мобайнида тасдиқлайди. Марказий сайлов комиссияси таркибига Қорақалпоғистон Республикасидан камида иккита ҳамда вилоятлар ва Тошкент

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошы биринчи бетда).

шаҳридан биттадан вакил киритилмоғи лозим.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг расмий матбуот органларида ўзининг таркиби ҳақидаги маълумотларни, комиссиянинг адреси ва телефон номерларини ташкил топган куннинг эртасигаёқ эълон қилади.

Комиссия раисининг ўринбосари ва котиби комиссиянинг биринчи мажлисида сайланади. Раис, раис ўринбосари, котиб ва комиссия аъзоларини уларнинг ўз аризаларига ёки Марказий сайлов комиссиясининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раёсати бошқа ишлардан озод этиб қўйиши мумкин.

Комиссия таркибига янги вакил ушбу Қонунда белгилаб қўйилган тартибда тасдиқланади.

Марказий сайлов комиссиясининг ваколат муддати Ўзбекистон Республикаси Президентининг галдаги сайлови белгиланган куни тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ёки унинг раёсати Президент сайлови ўтказишни Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясига топширишга ҳақлидир.

14-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари**

Марказий сайлов комиссиясининг мажлислари комиссиянинг мажлис бўладиган кундаги мавжуд таркибининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишни ташкил этар экан:

1) республиканинг бутун ҳудудида ушбу Қонун ижроси устидан назоратни амалга оширади ва унинг бир хилда қўлланилишини таъминлайди; зарур ҳолларда ушбу Қонунни шарҳлаш тўғрисидаги тақдимнома билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатига киради;

2) сайлов комиссиялари фаолиятини йўлга солиб туради; Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг қарорлари ушбу Қонунга зид бўлган тақдирда бу қарорларни бекор қилади; сайлов комиссияларининг қарорлари ушбу Қонунга зид бўлган тақдирда бу қарорларни бекор қилади; сайлов комиссиялари таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилаб беради;

3) сайлов округлари тузади; уларга ном ва тартиб рақами беради;

4) Ўзбекистон Республикаси чегараларидан ташқарида ташкил этилувчи сайлов участкаларини сайлов округига бириктириш масалаларини ҳал этади;

5) Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайлов кампаниясида қатнашуви учун тенг шароитларни таъминлайди;

6) оммавий ахборот воситаларининг сайлов кампаниясида қатнашуви ва улардан ушбу Қонунга мувофиқ фойдаланиш тартибини белгилаб беради;

7) пул маблағларини сайлов комиссиялари бўйича тақсимлайди; сайлов комиссияларини бино, транспорт, алоқа билан таъминлаш ишини назорат қилади ва сайловнинг моддий-техника таъминотига доир бошқа масалаларни қараб чиқади;

8) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов бюллетеналарининг ва варақаларининг, сайловчилар рўйхатининг, сайловолди йиғилишлари ҳамда сайлов комиссиялари мажлислари баённларининг, сайловга оид бошқа ҳужжатларнинг кўринишларини, сайлов қутилари ва сайлов комиссиялари муҳрларининг намуналарини, сайлов ҳужжатларини сақлаш тартибини белгилаб беради;

9) сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан сиёсий партиялар, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат комитетлари ва идораларининг, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг, бошқа давлат ва жамоат идораларининг ахборотини тинглайди;

10) Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олади, умуман республика бўйича сайлов якунларини чиқаради, сайлов якунлари тўғрисидаги ахборотларни матбуотда эълон қилади;

11) сайлов комиссияларининг қарорлари ва иши устидан ариза ҳамда шикоятларни қараб чиқади ва улар юзасидан усил-кесил қарорлар чиқаради;

12) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонун жиноий жавобгарликка тортиладиган тарзда бузилганлиги ҳақидаги материалларни прокуратура идораларига оширади;

13) Ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

15-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш**

Округ сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Советлари ёки уларнинг раёсатлари ҳамда Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган жамоат бирлашмаларининг тақдимномасига биноан сайлов белгиланганидан кейин узоғи билан ўн бешинчи куни комиссия раиси, комиссия раисининг ўринбосари, комиссия котиби ва 6-10 нафар комиссия аъзоси таркибида сайланади.

16-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг ваколатлари**

Округ сайлов комиссияси:

1) бутун округ ҳудудида ушбу Қонуннинг бажарилишини назорат қилади ва унинг бир хилда татбиқ этилишини таъминлайди;

2) участка сайлов комиссияларининг фаолиятини йўналтириб туради;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайлов кампаниясида қатнашишлари учун тенг шарт-шароитларни таъминлайди;

4) сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан сайлов округи ҳудудида жойлашган сиёсий партиялар вакилларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ахборотларини тинглайди;

5) сайловчиларнинг рўйхати тузилишини ва уларнинг ҳамма танишиши учун тақдим этилишини кузатиб туради;

6) пул маблағларини участка сайлов комиссиялари бўйича тақсимлайди, сайлов комиссиялари биноларини, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ҳамда сайловларни моддий-техника жиҳатидан таъминлашга доир бошқа масалаларни қараб чиқади;

7) округ бўйича сайлов якунларини чиқаради ва маълумотларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;

8) участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ва шикоятларни муҳокама қилиб, улар юзасидан қарор чиқаради;

9) ушбу Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

17-модда. **Участка сайлов комиссияларини тузиш**

Участка сайлов комиссияси сайловдан камида 30 кун олдин 5—19 аъзодан, шу жумладан, комиссия раиси, комиссия раисининг ўринбосари ва комиссия котибидан иборат таркибда ташкил этилади.

Зарур ҳолларда участка сайлов комиссиясининг таркиби кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Участка сайлов комиссияларига вакиллар рўйхатдан ўтказилган сиёсий ташкилотлар ва жамоат ташкилотларининг район, шаҳар идоралари, меҳнат жамоалари ёки уларнинг кенгашлари томонидан, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари жамоаларининг студентлар билан биргаликдаги йиғилишларида, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишларида кўрсатилади.

Участка сайлов комиссиялари халқ депутатлари район, шаҳар (районга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари), шаҳарлардаги район советлари томонидан тасдиқланади.

18-модда. **Участка сайлов комиссиясининг ваколатлари**

Участка сайлов комиссияси:

1) участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузади;

2) сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради, рўйхатдаги ноаниқликлар ҳақидаги аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда тегишли ўзгартишлар киритиш масаласини ҳал қилади;

3) сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш ва овоз беришда қатнашиш имконияти бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилади;

4) сайлов ўтказиладиган кун ва овоз бериладиган жой ҳақида аҳолини хабардор қилади;

5) овоз бериладиган биноларни ва сайлов қутилари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;

6) сайлов куни сайлов участкасида овоз берилишини ташкил этади;

7) сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқади;

8) сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни уюштириш масалаларига доир ариза ва шикоятларни кўриб чиқиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

9) ушбу Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

19-модда. **Сайлов комиссияларининг ишини ташкил этиш**

Сайлов комиссиясининг мажлисларида комиссия таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда улар қонуний ҳисобланади. Комиссиянинг қарорлари очиқ овоз бериш орқали ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул этилади. Комиссия қарорига қўшилмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини айтишга ҳақлидирлар, бу фикрлар ёзма тарзда мажлис баённига илова қилинади.

Сайлов комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул этган қарорлари барча давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ижро этиши учун мажбурийдир.

Сайлов комиссиясининг қарори ва ишидан норози бўлиб юқори сайлов комиссиясига, ушбу Қонунда кўзда тутилган ҳолларда эса судга ариза бериш мумкин.

Сайлов комиссиясининг аъзоси комиссиянинг қарорига мувофиқ сайлов ўтказишга ажратилган маблағ ҳисобидан ўртача иш ҳақи сақлаб колинган ҳолда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилиши мумкин.

Округ ва участка сайлов комиссиялари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг якунлари чиқарилганидан сўнг тўхтатади.

20-модда. **Сайлов комиссияларининг ўз ваколатларини амалга оширишларида кўмаклашиш**

Давлат ва жамоат идоралари, сиёсий партиялар идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларининг ўз ваколатларини амалга оширишларига кўмаклашишга, уларнинг иши учун зарур маълумот ва материалларни тақдим этишга мажбурдирлар.

Сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат ва жамоат идораларига, сиёсий партияларнинг идораларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат этиш ҳуқуқига эгадир, улар эса ўртага қўйилган масалани кўриб чиқиб, уч кунлик муддатдан кечиктирмай сайлов комиссиясига жавоб қайтаришга мажбурдирлар.

21-модда. **Фуқароларни сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби**

Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган вақтда муайян сайлов участкаси ҳудудида доимий истиқомат қилган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритиладилар.

Сайловчи бошқа сайлов участкасида сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин эмас.

22-модда. **Сайловчиларнинг рўйхати ва уни тузиш тартиби**

Сайловчилар рўйхатини ҳар бир сайлов участкасида участка сайлов комиссияси тузади ҳамда унинг раиси ва котиби имзолайди. Участка сайлов комиссияси жамоатчилик вакилларини рўйхат тузиш ишида қатнашишга жалб этиши мумкин.

Халқ депутатлари советлари сайловчилар ҳисобга олинишини таъминлайдилар ва участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда яшайдиган сайловчилар тўғрисида сайловчиларнинг рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни берадилар.

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар жойлашган районларда яшовчи оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг рўйхати ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этадиган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида яшовчи ҳарбий хизматчилар истиқомат жойидаги сайловчиларнинг рўйхатига умумий асосларда киритилади.

Санаторий ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхати мазкур муассасаларнинг раҳбарлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида тузилади.

Сайловчилар рўйхатида сайловчиларнинг фамилиялари овоз беришни уюштириш учун қулай тартибда кўрсатилади.

23-модда. **Фуқароларни сайловчилар рўйхатлари билан таништириш ва сайловчилар рўйхатидаги ноаниқликлар хусусида шикоят қилиш ҳуқуқи**

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловдан ўн беш кун олдин, санаторий ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган жойларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловдан икки кун олдин ҳамманинг танишиб чиқиши учун тақдим этилади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан қаерда ва қачон танишиш мумкинлиги ҳақида сайловчиларга хабар беради.

Фуқароларга участка сайлов комиссиясининг биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш ва унинг тўғри тузилганлигини текшириш имкони таъминланади.

Ҳар бир фуқарога рўйхатга киритилмаганлик, нотўғри киритилганлик ёки рўйхатдан чиқарилганлик юзасидан, шунингдек рўйхатда сайловчи тўғрисидаги маълумотларни кўрсатишда ноаниқликка йўл қўйилганлик хусусида шикоят қилиш ҳуқуқи берилади. Бу масалага доир ариза участка сайлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади, аризани участка сайлов комиссияси кечи билан икки кунлик муддат ичида, сайлов арафасида ва сайлов куни эса дарҳол кўриб чиқиб, рўйхатга зарур тузатишлар киритиши ёки аризачига унинг талаби инобатга олинмаганлиги тўғрисидаги далил-исботли қарорнинг бир нусхасини бериши шарт. Комиссия қарори устидан район (шаҳар) халқ судига сайловдан кечи билан уч кун олдин шикоят қилиниши мумкин, район (шаҳар) халқ суди шикоятни икки кунлик муддат ичида кўриб чиқишга мажбур. Район (шаҳар) халқ судининг қарори қатъийдир. Участка сайлов комиссияси судининг қарорига мувофиқ сайловчиларнинг рўйхатига дарҳол тузатиш киритади.

III боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ, УЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНЛАРИ

24-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш**

Ўзбекистон Республикасининг Президентлигига номзодлар белгиланган тартибда рўйхатга олинган республика сиёсий партиялари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан ўз уставлари (низомлари) ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ уларнинг съездларида, конференцияларида ёҳуд уларнинг республика миқёсидаги раҳбар идоралари пленумларида кенгашларида кўрсатилади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг меҳнат жамоалари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларнинг жамоалари, фуқароларнинг турар жойлардаги ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги мажлислари, башарти, Ўзбекистон Республикасининг сайлов ҳуқуқидан фойдаланувчи камида 60 минг фуқароси кўрсатилаётган номзодни қўллаб-қувватлаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бевосита номзод кўрсатишлари мумкин. Кўрсатилаётган номзодни қўллаб-қувватлаш бўйича фуқароларнинг имзосини тўплаш Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси белгилаган тартибда ўтказилади. Марказий сайлов комиссиясининг фуқаролар имзоларини тўплаш тартибига доир қарори кўпи билан Президент сайлови тайинланганининг учинчи куни қабул қилинади.

Ҳар бир сиёсий партия, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, меҳнат жамоаси, шунингдек фуқароларнинг турар жойлардаги ёки ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақатгина битта номзод кўрсатишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ушбу қоида бузилган ҳолда ўтказилса, ҳақиқий эмас, деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга 25 кун қолгунга қадар амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлиги лавозимига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг уч кундан кечиктирмай Марказий сайлов комиссиясига жўнатилади. Қабул қилинган қарор хусусида номзодга икки кунлик муддатдан кечиктирмай хабар қилинади.

25-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва уларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодлар ва уларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси томонидан номзод кўрсатилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар ва номзоднинг сайланиш учун ўз номзоди қўйилишига ёзма розилиги келиб тушган кундан бошлаб уч кун ичида амалга оширилади, бироқ рўйхатга олиш сайловга 22 кун қолгунга қадар амалга оширилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор:

1. сиёсий партия, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси мажлисининг (съезди, конференцияси, пленуми, кенгашининг) меҳнат жамоаси мажлисининг ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчилари мажлисининг ушбу қонун талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ёзма баённлари;

2. ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаган фуқароларнинг имзоларини тўплаш натижалари тўғрисидаги халқ депутатлари тегишли маҳаллий советлари раҳбарлари томонидан тасдиқланган протоколлар (Марказий сайлов комиссияси танлаб текшириб кўриш натижасига асосланиб бу протоколларни тасдиқлайди);

3. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг таржимаи ҳолига доир маълумотлар;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига розилик берганлиги тўғрисидаги аризасидан иборат ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирдагина қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод, шунингдек номзодларнинг ишончли вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов комиссияларининг бирортасига ҳам аъзо бўлишлари мумкин эмас. Башарти, сайлов комиссияларидан бирининг аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод қилиб ёҳуд номзоднинг ишончли вакили этиб кўрсатилган бўлса, у номзод ёки ишончли вакил сифатида рўйхатга олинган вақтдан бошлаб комиссия аъзоси вазифасидан озод қилинган ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олинганидан кейин икки кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга тегишли гувоҳномалар беради.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни рад этса, ана шу номзодни кўрсатган сиёсий партиялар, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ва жамоалар рад этиш устидан Ўзбекистон Республикаси Олий Судига шикоят қилишлари мумкин, Олий Суд шикоятни бир ҳафталик муддат ичида қараб чиқади. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг қарори қатъий ҳисобланади.

26-модда. **Номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш, Номзоднинг ўз номзодини қайтариб олиши.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кўрсатган сиёсий партиялар, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ва меҳнат жамоалари номзод кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорларини сайловга қадар исталган вақтда бекор қилиш ҳуқуқига эгалар. Бу масалага доир қарор номзод кўрсатиш учун мўлжалланган тартибда қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод сайловга қадар исталган вақтда Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилиш орқали ўз номзодини қайтариб олиши мумкин.

27-модда. **Сайлов бюллетени**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов бюллетенининг шакли ва матнини Марказий сайлов комиссияси тасдиқлайди.

Сайлов бюллетенига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар алфавит тартибида фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулот тури) ва иш жойи кўрсатилган ҳолда киритилади.

Сайлов бюллетени давлат тилида ва миллатлараро муомала тилида Марказий сайлов комиссияси белгиланган тартибда ҳамда унинг назорати остида нашр этилади.

IV боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР ВА УЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

28-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар фаолиятининг кафолатлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинган вақтдан бошлаб тенг асосларда сайловолди кампаниясида қатнашадилар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги оммавий ахборот воситалари, шу жумладан радио ва телевидение имкониятларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга бўладилар. Шу билан бирга ушбу ҳуқуқда давлат ва ижтимоий тузумнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган асосларига қарши, урушни тарғиб этиш, миллий адоватга ва фуқароларнинг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқларини камситишга даъват этиш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинганларнинг ҳаммасига сайлов кампаниясида моддий-техника ва молиявий таъминот юзасидан тенг имкониятлар берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида рўйхатга олинганлар сайловолди кампаниясини ўтказиш вақтида сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ўз ишлаб чиқариш ёҳуд хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди доирасида шаҳар пассажир транспортининг (такси бундан мустасно) барча турларида ва шаҳарларараро транспортда бепул юриш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши, ушланиши ёки суд тартибида маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Президентлигига номзодни мажбурий суратда келтириш, ушлаб туриш, шунингдек шахсий буюмларини, юкини, транспортини, турар жой ва хизмат биноларини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

29-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 15 нафарга қадар ишончли вакилларга эга бўлишга ҳақлидир. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам берадилар, уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлаш учун тарғибот олиб борадилар. Давлат ва жамоат ташкилотлари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қиладилар. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг тақдимномасига кўра ишончли вакилларни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олади. Марказий сайлов комиссияси уларга тегишли гувоҳномалар беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари учун белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

V боб. ОВОЗ БЕРИШ ВА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИНИ ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ

30-модда. **Овоз бериш вақти ва жойи**

Овоз бериш сайлов куни маҳаллий вақт билан соат 7 дан 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камида беш кун олдин хабардор қилади. Ҳарбий қисмларда, олис ва бориш қийин бўлган ноҳиялардаги фуқаролар турар жойларида, шунингдек санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ҳамда бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида ташкил этилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссияси, агар рўйхатга киритилган ҳамма сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, исталган вақтда овоз бериш тугалланганлигини эълон қилиши мумкин.

31-модда. **Овоз беришни ташкил этиш**

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилади, уларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар жиҳозланиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жойлар ажратилиши ҳамда сайлов қутилари ўрнатилиши керак. Сайлов қутилари овоз берувчилар улар ёнига албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари орқали ўтиб келадиган қилиб жойлаштирилади.

Овоз беришни ташкил этиш, сайловчилар ўз хоҳиш-истакларини яширин билдиришларини таъминлаш, биноларни жиҳозлаш ва уларда зарур тартибни сақлаб туриш учун участка сайлов комиссияси жавобгардир.

Сайлов куни овоз бериш бошланишидан олдин участка сайлов комиссиясининг раиси комиссиянинг барча аъзолари иштирокида сайлов қутиларини текширади, пломбалайди ёки муҳрлайди.

Ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради, бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди. Сайлов бюллетенларини тегишли сайлов комиссияси сайлов участкаси сайловчиларининг рўйхати асосида паспорт ёки бошқа гувоҳнома кўрсатилгач беради. Ҳар бир сайловчи сайлов бюллетени олгани ҳақида сайловчилар рўйхатидаги ўз фамилияси рўпарасига имзо чекади.

Сайлов куни истиқомат жойида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз истиқомат жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусидаги қарорга келишим ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга яширган ҳолда участка комиссиясига қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатидаимзо чекади. Сайлов варақасининг нусхасини Марказий сайлов комиссияси белгилайди.

Айрим сайловчилар соғлиғи ёмонлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш учун ажратилган бинога кела олмаган ҳолларда участка комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссиянинг камида икки аъзосига сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этишни топшириш мумкин.

Бирон-бир сабаб билан сайловчилар рўйхатига киритилмай қолган сайловчилар шахсини ва яшаш жойини тасдиқлайдиган ҳужжат асосида сайловчилар рўйхати иловасига киритиладилар.

32-модда. **Овоз беришни ўтказиш**

Сайлов бюллетенлари овоз берувчилар томонидан яширин овоз бериш учун ажратилган кабина ёки хонада тўлдирилади. Бюллетенларни тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа бирон-бир кишининг бўлиши тақиқланади. Бюллетенни мустақил тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи кабина ёки хонага ўз хоҳиши бўйича сайлов комиссиясининг аъзоларидан бошқа бирон кишини таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

Сайловчи бюллетендаги ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг фамилияларини ўчиради.

Тўлдирилган бюллетенни овоз берувчи сайлов қутисига ташлайди.

33-модда. **Сайлов участкасида овозларни ҳисоблаб чиқиш**

Сайлов участкасида овозларни участка сайлов комиссияси ҳар бир номзод бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқади.

Овоз бериш тугаганидан сўнг сайлов қутиларини очишдан олдин сайлов варақалари солиб ёпилган конвертлар участка комиссияси барча аъзоларининг ҳозирлигида қутиларга ташланади.

Сайлов қутилари участка сайлов комиссияси томонидан комиссия раиси овоз бериш тугаганлигини эълон қилганидан кейин комиссиянинг барча аъзолари ишти; рокида очилади. Овоз бериш тугашидан олдин сайлов қутиларини очиш тақиқланади. Сайлов қутиларини очишдан олдин фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенларини участка сайлов комиссияси ҳисоблаб чиқади ва бекор қилади.

Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг асосий рўйхати ва унга илова бўйича участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, шунингдек бюллетень олган сайловчиларнинг умумий сонини аниқлайди. Сайлов қутиларида бўлган бюллетенлар ва сайлов варақалари асосида комиссия овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг умумий сонини; ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини ва қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетенлар ва сайлов варақалари сонини аниқлайди. Сайловчилар бюллетенларга ва варақаларга қўшимча ёзиб қўйган фуқароларнинг фамилиялари бўйича овозлар ҳисобланмайди.

Белгиланмаган нусхадаги сайлов бюллетенлари ва варақалари шунингдек овоз бериш вақтида биттадан ортиқ номзоднинг фамилияси қолдирилган бюллетенлар, варақалар ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетенлари, варақалар ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетенининг, варақасининг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган тақдирда масалани участка сайлов комиссияси овоз бериш йўли билан ҳал қилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқилади ва мажлис баённига ёзиб қўйилади.

Мажлис баёни комиссия раиси, комиссия раисининг ўринбосари, комиссия котиби ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда Марказий сайлов комиссияси белгилаб қўйган тартибда тегишли округ сайлов комиссиясига юборилади.

34-модда. **Сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлаш**

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиялари мажлисининг баённлари асосида округдаги сайловчиларнинг умумий сонини; овоз беришда қатнашган сайловчилар сонини; ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини ва қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди.

Округ бўйича сайлов натижалари округ сайлов комиссияси мажлисида аниқланади ва мажлис баённига киритиб қўйилади. Мажлис баёни комиссия раиси, комиссия раисининг ўринбосари, комиссия котиби ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясига юборилади.

35-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг натижаларини аниқлаш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси ўзига келиб тушган округ сайлов комиссиялари мажлисининг баённлари асосида республикадаги сайловчиларнинг умумий сонини; сайлов бюллетенлари ҳамда варақалари олган сайловчилар сонини; овоз беришда қатнашган сайловчилар сонини; ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини ва қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди.

Сайловда овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини олган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайланган ҳисобланади.

Башарти, сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярми ҳам қатнашмаган бўлса, сайлов ҳақиқий эмас деб топилади.

Сайлов вақтида ёҳуд овозларни ҳисоблаш чоғида йўл қўйилган овоз бериш якунларига таъсир этган қоидабузарликлар сабабли сайлов умуман ёки айрим округлар ёҳуд айрим сайлов участкалари бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади. Бу қарор устидан бир ой мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга таллуқлидир.

Сайлов айрим округлар ёки участкалар бўйича ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда Марказий сайлов комиссияси қарори билан ана шу округлар, участкалар бўйича овоз бериш натижалари, агар уларсиз сайлов умуман бўлиб ўтган деб топилиши мумкин бўлган тақдирда, сайловнинг умумий натижаларидан чиқариб ташланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари тўғрисидаги ахборот сайловдан кейин кўпи билан ўн кун муддат ичида Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

36-модда. **Такрорий овоз бериш**

Башарти, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлаш учун иккитадан ортиқ номзод қўйилган бўлса ва номзодлардан ҳеч бири талаб қилинган миқдордаги овозни олмаган бўлса, сайловчиларнинг овоз

Ўзбекистон Республикасининг қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РЕФЕРЕНДУМИ ТЎҒРИСИДА

1 боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Референдум тушунчаси.

Ўзбекистон Республикаси референдуми — давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва ўзга қарорларни қабул қилиш, уларни ўзгартириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида умумхалқ овоз бериши бўлиб, халқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириш воситасидир.

Референдумда қабул қилинган қарорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум ўтказиш йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

2-модда. **Фуқароларнинг референдумда иштирок этиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари референдумда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган руҳий касал фуқаролар, шунингдек суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган ёхуд жиноят-процессуал қонунларда белгиланган тартибда олдини олиш чораси қўлланган — ҳибсда ушлаб турилган шахслар референдумда қатнашмайдилар.

Келиб чиқиши, иҳтимоий ва мулкий ҳолати, ирқи ва миллати, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, сиёсий ва ўзга қарашлари, муайян жойда қанча яшаётганлиги, машғулот тури ва характерига қараб фуқароларнинг референдумда қатнашиш ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклашман этилади.

3-модда. **Референдумни ўтказиш принциплари**

Ўзбекистон Республикасида фуқаролари референдумда ихтиёрий тарзда ва бевосита иштирок этадилар.

Референдумда овоз бериш яширин ўтказилади, фуқароларнинг ўз ҳоҳиш-иродаларини изҳор этишларини назорат қилишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари референдумда тенг асосларда иштирок этадилар. Ҳар бир фуқаро шахсан овоз беради ва бир овозга эга бўлади.

Референдумни тайёрлаш ва уни ўтказиш давомида кенг ошкоралик, жамоатчиликнинг иштироки таъминланади.

4-модда. **Ўзбекистон Республикасининг референдум тўғрисидаги қонунлари.**

Ўзбекистон Республикасининг референдуми Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий Қонуни), ушбу Қонун, Ўзбекистон Республикасида халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги қонунларнинг талабларига мувофиқ ўтказилади ва Ўзбекистон Республикасининг ушбу Қонунга зид бўлмаган ўзга қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади.

5-модда. **Референдумга қўйилмайдиган масалалар**

Республиканинг ҳудудий бирбутунлигини ўзгартириш тўғрисидаги, солиқлар, бюджет тўғрисидаги, амнистия, авф этиш тўғрисидаги, жамоат тартибини, аҳолининг сиҳат-саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича фавқулодда ва шошилинч чора-тадбирлар тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги масалалар, шунингдек мансабдор шахсларни тайинлаш ва озод этиш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикасининг референдумига қўйилиши мумкин эмас.

6-модда. **Референдумни тайинлаш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши эгадир.

7-модда. **Референдумни тайёрлаш ва уни ўтказиш чоғида ошкоралик**

Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, оммавий ҳаракатлар, референдумни ташкил этишда ва уни ўтказишда қатнашаётган давлат ва жамоат идоралари ўз фаолиятларини очиқ ва ошкора амалга оширадилар.

Сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, бошқа жамоат бирлашмалари ва оммавий ҳаракатлар, меҳнат жамоалари ва фуқароларга референдумга киритилажак масалани ёқлаб ёки унга қарши бемалол ташвиқот юргизиш ҳуқуқи кафолатланади.

Овоз бериладиган кунда ташвиқот олиб бориш ман этилади.

Референдумга оид барча масалалар, шунингдек референдумга киритилажак қонун ёки ўзга қарорларнинг лойиҳалари тегишли идоралар томонидан қабул қилинганидан кейин етти кун мобайнида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Оммавий ахборот воситалари референдумни тайёрлаш қандай бораётганини ва унинг ўтишини ёритиб турадилар, уларнинг вакилларига референдум билан боғлиқ бўлган барча йиғилишлар ва мажлисларга бемалол кириш ва тегишли ахборотни олиш кафолатланади.

Референдум комиссиялари ўзларининг таркиби, манзилгоҳи ва иш вақтидан, овоз бериш участкаларининг ташкил этилганлигидан ва референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг рўйхатидан аҳолини ўз вақтида воқиф қилади.

Референдум комиссияларининг мажлисларида, шунингдек овоз бериш участкаларида овоз бериш вақтида ва овозларни ҳисоблаб чиқиш чоғида, референдумнинг натижаларини аниқлаш пайтида сиёсий ва ўзга жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатларнинг, меҳнат жамоаларининг, фуқаролар йиғилишларининг, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлишга ҳақлидирлар. Комиссияларнинг мажлисларида ёки овоз бериш участкаларида ҳозир бўлган шахслар уларни йўллаган ташкилот йиғилишининг баёнидан тасдиқланган кўчирмага ёки ўзларининг ваколатларини тасдиқловчи ўзга ҳужжатга эга бўлишлари керак. Мазкур вакиллар ҳозир бўлиши кутилаётганлиги тўғрисида референдум ўтказувчи комиссияларни олдиндан воқиф этиш талаб қилинмайди. Референдум ўтказувчи комиссиянинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

8-модда. **Референдумни моддий жиҳатдан таъминлаш**

Референдумни тайёрлаш ва уни ўтказиш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва уларнинг бирлашмалари зарур хоналар ва жиҳозларини референдум ўтказувчи комиссиянинг ихтиёрига бепул берадилар. Давлатга қарашли бўлмаган корхоналар ва ташкилотларнинг хоналари ва жиҳозларини референдум ўтказувчи комиссия иши учун ижарага олиш ҳақи республика бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

9-модда. **Референдум тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик**

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг референдумда қатнашиш, ташвиқот юритиш ҳуқуқидан эркин фойдаланишларига зўравонлик билан, алдаш, таҳдид қилиш ёки ўзга йўл билан қаршилик қилувчи шахслар, шунингдек референдум ҳужжатларини сохталаштирган, овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаган, яширин овоз бериш принципини бузган ёки ушбу Қонунни ўзгача тарзда бузган референдум ўтказувчи комиссиянинг аъзолари, давлат ва жамоат идораларининг мансабдор шахслари, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг вакиллари, ташаббускор гуруҳнинг аъзолари, имзо тўплаётган шахслар қонунда белгиланган жавобгарликка тортиладилар. Референдум ўтказувчи комиссиянинг аъзоларига нисбатан ҳақоратловчи муносабатда бўлган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

II боб. РЕФЕРЕНДУМНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ

10-модда. **Референдумни ўтказиш ташаббуси**

Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ташаббуси билан:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти;

Қорақалпоғистон Республикаси номидан унинг давлат ҳокимияти олий органи чиқиши мумкин.

11-модда. **Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг референдум ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқларини амалга оширишлари**

Агар референдумни ўтказиш тўғрисидаги талабнома-га референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган камида тўрт юз минг нафар фуқаро имзо чеккан бўлса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари референдум ўтказиш ташаббуси ҳуқуқини амалга оширадилар. Башарти фуқароларнинг имзолари ушбу Қонунни бузмай тўпланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши референдум тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилишга мажбурдир.

Референдум ўтказиш тўғрисидаги талабномага имзо тўплаш ташаббуси ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаросига ёки бир гуруҳ фуқароларига тегишлидир. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари имзоларни тўплаш ҳуқуқидан ихтиёрий тарзда ва мустақил фойдаланадилар.

Ушбу Қонун талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан тузиладиган референдум ташаббускор гуруҳлари имзолар тўплашни ташкил этадилар ва амалга оширадилар.

12-модда. **Референдум ташаббускор гуруҳини ташкил этиш ва уни рўйхатдан ўтказиш**

Референдум ўтказиш зарурлиги масаласини ҳал этиш мақсадида фуқароларнинг ташаббуси билан фуқароларнинг йиғилиши ўтказилади.

Йиғилиш ўтказиш ташаббускорлари камида 10 кун аввал халқ депутатлари тегишли Советини ёки унинг Раёсатини йиғилиш қаерда ва қачон ўтказилишидан хабардор қилишлари лозим.

Башарти референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг камида 300 фуқароси иштирок этсагина, йиғилиш қонуний кучга эга бўлади.

Йиғилишдан аввал унинг қатнашчилари рўйхатга олинади. Йиғилиш раёсат сайлайди, референдум ўтказиш зарур ёки зарур эмаслигини, шунингдек референдумга таклиф этилажак қарор лойиҳасининг матнини муҳокама қилади.

Башарти, референдум ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинса ва референдумга чиқарилаётган матн тасдиқланса йиғилиш очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан таркиби камида 10 кишидан иборат бўлган референдум ташаббускор гуруҳини сайлайди ва унга имзо тўплашни ташкил этишни топширади.

Йиғилиш протоколи ва унинг қатнашчилари рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ташаббускор гуруҳининг рўйхати қайд этиш учун фуқароларнинг йиғилиши ўтказилган ҳудуддаги халқ депутатлари ноҳия ёки шаҳар Советига ёки унинг раёсатига тақдим этилади, Совет ёки унинг раёсати протоколни олган кундан бошлаб бир ҳафта муддат ичида ташаббускор гуруҳини қайд этиш тўғрисида ёки ушбу Қонуннинг талаблари бузилган ҳолларда рўйхатга олишини рад этиш тўғрисида қарор чиқаришлари керак. Рад этиш устидан ноҳия (шаҳар) халқ судига шикоят қилиш мумкин, бу суд беш кун муддат ичида қатъий қарор чиқаради.

Гуруҳ қайд этилганлиги тўғрисида қарор қабул қилингач уч кун ичида тегишли Советнинг раёсати ташаббускор гуруҳнинг вакилига қайд этилганлик тўғрисидаги қарор нусхасини ва гуруҳ аъзоларининг гувоҳномаларини беради.

Ҳар бир референдум бўйича тузиладиган ташаббускор гуруҳларнинг умумий миқдори чекланмайди. Уч ва ўндан ортиқ ташаббускор гуруҳнинг қарорига биноан референдумнинг уйғунлаштирувчи ташаббускор гуруҳи тузилишига йўл қўйилади.

Рўйхатга олинган ташаббускор гуруҳлар тўғрисидаги маълумотлар ташаббускор гуруҳлар тузилган жойлардаги Советларнинг раёсатлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсатига берилади.

13-модда. **Референдум ташаббускор гуруҳлари томонидан имзоларни тўплаш тартиби ва муддати**

Қайд этилганлиги тўғрисидаги қарорнинг нусхасини олган пайтдан бошлаб референдум ташаббускор гуруҳи референдум ўтказиш тўғрисидаги талабнома ёзилган варақаларда имзоларни тўплашни ташкил этиш ва бу ишни бемалол амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Ушбу референдум хусусидаги масала бўйича имзолар тўплашнинг умумий даври референдум бўйича биринчи ташаббускор гуруҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилган кундан бошлаб икки ойдан ошмаслиги керак.

Башарти, шу муддат ичида фуқароларнинг зарур миқдордаги имзолари тўпланмаган бўлса, имзолар тўплаш тўхтатилади. Худди шу масала бўйича референдум ўтказиш тўғрисидаги талаб билан камида бир йил вақт ўтгандан кейин чиқишга рухсат этилади.

14-модда. **Референдумнинг имзо варақаси**

Референдум ўтказиш тўғрисидаги талабномага Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг имзосини тўплаш варақалари (имзо варақалари)да референдумга таклиф этилаётган масалаларнинг таърифи, ёки таклиф этилаётган Қонун лойиҳасининг ёки ўзга қарорнинг (қонун лойиҳасининг ёки ўзга қарорнинг тўлиқ матни билан танишиш имконияти таъминланган тақдирда) мазмуни баён этилган бўлиши зарур. Референдумга олиб чиқилаётган масала ташаббускор гуруҳ томонидан шундай тузилиши керакки, унга фақат бир мазмунда жавоб бериш мумкин бўлсин.

Референдум ўтказиш тўғрисидаги талабномани қўллаб-қувватлаётган фуқаро имзо варақасига имзо чекади, бунда ўзининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган вақти, турар жойи, паспортининг ёки унинг ўрнини босадиган ўзга ҳужжатининг номери ва серияси ни ҳамда имзолаган вақтини кўрсатади.

Имзо варақаларини ташаббускор гуруҳ раиси ва аъзоларидан бири тасдиқлаган бўлиши керак.

Ҳар бир имзо варақасида референдум ташаббускор гуруҳининг раиси ва аъзоларидан бири томонидан қўйилган тасдиқловчи имзолар билан бирга тасдиқланган жами имзолар тўғрисидаги ёзув қайд этилади. Ташаббускор гуруҳ аъзоларининг тасдиқловчи имзолари ушбу ташаббускор гуруҳ қайд этилган жойдаги халқ депутатлари маҳаллий Советининг ёки Совет раёсатининг муҳри билан гувоҳлантирилади.

15-модда. **Якуний протокол**

Имзолар тўплаш тугагач ташаббускор гуруҳ якуний протоколни тузади, унда гуруҳ рўйхатга олинган сана, имзолар тўплаш тугаган сана, тўпланган имзолар сони кўрсатилади. Бу протокол тегишли Совет ёки унинг раёсати муҳри билан тасдиқланади ҳамда референдум ўтказиш тўғрисидаги талабнома билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсатига йўлланади. Олий Кенгаш Раёсати зарурат бўлганда ҳужжатларни текшириб кўриши мумкин. Имзо варақаларида бир фуқаронинг икки ва ундан ортиқ имзоси аниқланган тақдирда унинг бирорта ҳам имзоси ҳисобга олинмайди.

Референдум ўтказиш тўғрисидаги талабномада референдумни ўтказиш зарурлиги асосланган бўлиши, референдумга киритилаётган масалалар, қонун ёки ўзга қарор лойиҳасининг аниқ таърифи бўлиши зарур.

Имзо варақалари ташаббускор гуруҳини рўйхатга олган халқ депутатлари Советига сақлаш учун берилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ташаббускор гуруҳлардан олинган материалларни қайд этади, улардаги маълумотларни умумлаштиради ва ушбу Қонун талабларига риоя этилган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг тегишли комитетлари ва комиссиялари хулосасини ҳисобга олиб туриб референдум тайинлаш масаласини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясининг кун тартибига киритади.

16-модда. **Референдум ўтказиш тўғрисидаги талаб юзасидан қарор қабул қилиш**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши референдум ўтказиш тўғрисидаги талаб юзасидан қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

а) референдум тайинлаш, уни ўтказиш куни ва уни таъминлаш чоралари тўғрисида;

б) референдум ташаббускорлари ушбу Қонунни бузганлари тақдирда референдум тайинлаш тўғрисидаги талабларни рад этиш ҳақида;

в) референдум ўтказиш тўғрисидаги талабларда таклиф қилинаётган қонунни ёки ўзгача қарорни қабул қилиб, шундан кейин референдум ўтказмаслик тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши тақдим этилган материалларни қараб чиқади ва референдум ўтказиш тўғрисида талаб тушган кундан бошлаб бир ой мобайнида улар юзасидан қарор қабул қилади.

Қабул қилинган қарор уч кунлик муддат ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин кечи билан ўн кун ўтгач, референдумга қўйилаётган қонун ёки ўзга қарорнинг лойиҳаси эълон қилинади.

17-модда **Референдумни ўтказиш муддати**

Референдум уни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан олдин ва уч ойдан кечикиб ўтказилиши мумкин эмас.

Бу муддат фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан узайтирилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

III БОБ. РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗИШ ВА УНИНГ ЯКУНЛАРИНИ ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ

18-модда **Референдумни ўтказувчи комиссия**

Ўзбекистон Республикасининг референдумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун:

а) референдум ўтказувчи Марказий комиссия;

б) референдум ўтказувчи округ комиссиялари;

в) референдум ўтказувчи участка комиссиялари тузилади.

Референдум ўтказувчи комиссияларнинг ваколатлари улар тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади ва референдум натижалари эълон қилинган пайтдан бошлаб вужудга келади ва референдум натижалари эълон қилинган пайтдан бошлаб бир ой ўтгач тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикасининг референдум ўтказувчи Марказий комиссияси ваколатларини Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси амалга оширади.

Референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиялари Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайловини ўтказувчи округ ва участка комиссиялари тегишли сайлов комиссияларини тузиш учун белгилаб қўйилган тартибда тузилади. Округ комиссиялари референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинган кундан бошлаб бир ҳафта ичида, участка комиссиялари эса уч ҳафта ичида тузилиши керак.

19-модда. **Референдум ўтказувчи комиссияларнинг ваколатлари ва уларнинг фаолиятини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикасининг референдум ўтказувчи Марказий комиссияси ушбу Қонуннинг бажарилишини назорат қилади ва унинг ҳамма жойда бир хил қўлланилишини таъминлайди, зарур ҳолларда ушбу Қонуннинг қоидаларини шарҳлаш ҳақида тақдимномалар билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатига киради, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятини йўналтириб туради, пул маблағларини улар ўртасида тақсимлайди, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари ушбу Қонунга зид келган ҳолларда уларни бекор қилади, умумхалқ овоз беришида иштирок этиш учун бюллетенлар ва иштирокчилар рўйхатларининг, бошқа ҳужжатларнинг намуналарини белгилайди, округ ва участка комиссияларининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан тушган шикоятларни қараб чиқади ҳамда улар юзасидан узил-кесил қарорлар қабул қилади, референдум якунларини чиқаради, ҳужжатларни сақлаш тартибини белгилайди, ушбу Қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

Референдум ўтказувчи округ комиссиялари участка комиссияларининг фаолиятини ташкил этади, референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг рўйхатлари тўғри тузилишини назорат қилади, округда овозларни ҳисоблаб чиқиш натижаларини аниқлайди, ушбу Қонунга риоя этилишини таъминлаш юзасидан бошқа ваколатларни амалга оширади.

Референдум ўтказувчи участка комиссиялари «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган тартибда референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг рўйхатларини тузади, шу билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади, фуқароларни овоз бериш кунидан хабардор қилади, овоз бериш учун бинонинг тайёрланишини таъминлайди ва овоз бериш кунида участкаларда овоз беришни ташкил этади, овоз бериш натижаларини референдум ўтказувчи округ комиссиясига хабар қилади, ушбу Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Референдум ўтказувчи комиссияларнинг ишини ташкил этиш «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Референдум комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини барча давлат ва жамоат идоралари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар бажаришлари шарт.

Референдум ўтказувчи комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ёки аъзоси комиссия қарорига мувофиқ референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида референдум ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан ўртача иш ҳақи сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар референдум ўтказувчи комиссияларга ўз ваколатларини амалга оширишда ёрдам беришлари, улар иши учун зарур бўлган бинолар ва жиҳозларни, ахборот ва материалларни белгиланган тартибда беришлари шарт.

20-модда. **Референдум ўтказиладиган округ ва участкалар**

Ўзбекистон Республикаси референдуми ўтказиладиган округ референдум ўтказувчи Марказий комиссия томонидан вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси чегараларида тузилади. Округларнинг чегаралари ва референдум ўтказувчи округ комиссиялари жойлашган ер кўрсатилган рўйхатлар референдум ўтказувчи Марказий комиссия томонидан референдум тайинланганидан кейин кечи билан 10 кун ичида матбуотда босиб чиқарилади.

Референдумда овоз беришни ўтказиш ва овозларни ҳисоблаб чиқиш учун ноҳиялар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги ноҳияларнинг ҳудуди участкаларга бўлинади. Участкалар ҳарбий қисмларда ҳам тузилади. Санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа доимий даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган жойлардаги фуқаролар яшайдиган ерларда участкалар тузилиши мумкин. Референдум ўтказиладиган участкаларни тузиш тартиби ва нормаси «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ белгиланади.

21-модда. **Референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг рўйхатлари**

Референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг рўйхатига Ўзбекистон Республикасининг референдум кунигача ёки референдум кунида 18 ёшга тўлган, рўйхатни тузиш пайтида муайян участка ҳудудида доимий яшайдиган барча фуқаролари киритилади. Референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови учун белгилаб қўйилган тартибда тузилади ва ҳамма танишиб чиқиши учун референдум кунидан ўн кун олдин участка комиссияси биносида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа доимий даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган жойларда референдумдан икки кун олдин илиб қўйилади. Участка комиссияси рўйхатлар билан танишиш жойи ва вақти ҳақида фуқароларга хабар беради.

Ҳар бир фуқаро рўйхатга киритилмагани, нотўғри киритилгани ёки рўйхатдан чиқариб юборилгани ҳақида, шунингдек рўйхатлардаги ноаниқликлар ҳақида шикоят қилиш ҳуқуқига эга Рўйхатдаги ноаниқликлар ҳақида аризани референдум ўтказувчи участка комиссияси кўриб чиқади, у аризани икки кундан кечиктирмай, референдум арафасида ва кунида эса — дарҳол кўриб чиқиши, зарур ўзгаришларни киритиши ёки аризачига унинг аризаси рад этилгани тўғрисидаги асосли қарорнинг нусхасини бериши шарт. Бу қарор устидан референдумдан камида уч кун олдин ноҳия (шаҳар) халқ судига шикоят берилиши мумкин, халқ суди шикоятни икки кун ичида кўриб чиқиши шарт. Ноҳия (шаҳар) халқ судининг қарори узил-кесилдир. Референдум ўтказувчи участка комиссияси суднинг қарорига мувофиқ рўйхатга дарҳол тузатиш киритади.

22-модда. **Овоз бериш бюллетени**

Овоз бериш бюллетенида референдумга қўйилган масаланинг ёки қарор лойиҳасининг матни ҳамда овоз берувчи ҳоҳиш-иродасининг вариантлари ёзиб қўйилади.

Референдумга қарор лойиҳаларининг бир неча муқобиллари қўйилган тақдирда, уларнинг ҳаммаси битта бюллетенга киритилади, кетма-кет рақамлаб чиқилади, бири иккинчисидан ётиқ чизиқлар билан ажратилади ва уларга алоҳида-алоҳида овоз берилади.

Овоз бериш бюллетенларининг намунаси ва матни референдум ўтказувчи Марказий комиссия томонидан референдум кунидан камида 30 кун олдин тасдиқланади.

Округ комиссиялари участка комиссияларини овоз бериш бюллетенлари билан референдум кунидан камида 15 кун олдин таъминлайди.

Референдумда овоз бериш бюллетени давлат тилида, миллатлараро муомала тилида, референдум ўтказувчи Марказий комиссия белгилаган тартибда ва унинг назорати остида чоп этилади.

23-модда. **Овоз бериш вақти ва жойи**

Овоз бериш референдум куни маҳаллий вақт билан соат 7 дан 20 га қадар ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи ҳақида участка комиссияси фуқароларга референдумдан камида беш кун олдин хабар қилади.

Ҳарбий қисмларда тузилган, санаторийлар ва дам олиш уйларидаги, касалхоналар ҳамда бошқа доимий даволаш муассасаларидаги, олис ва бориш қийин бўлган жойлардаги участкаларда рўйхатга киритилган ҳамма сайловчилар овоз бериб бўлган бўлсалар, участка комиссияси овоз беришни исталган вақтда тугалланган, деб эълон қилиши мумкин.

24-модда. **Референдумда овоз бериш ва овозларни ҳисоблаб чиқиш**

Референдумда овоз беришни ташкил этиш, уни ўтказиш тартиби ва овозларни ҳисоблаб чиқиш «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Фуқаро бюллетень олиш вақтида овоз берувчилар рўйхатидаги ўз фамилияси қаршисига имзо чекади.

Фуқаролар референдумга киритилган масалага қарши овоз берсалар, савол матнини ўчириб ташлайдилар ёки масалани ёқлаб овоз берсалар, савол матнини ўчирмайдилар.

Тасдиқланмаган нусхадаги бюллетенлар ҳақиқий эмас, деб топилади. Бюллетеннинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган тақдирда масалани участка комиссияси овоз бериш йўли билан ҳал қилади.

Овоз берувчилар рўйхатига киритилган фуқаро референдум куни яшаш жойида бўлиш имконига эга бўлмаган тақдирда, у ўзи яшайдиган жойдаги участка комиссиясидан овоз бериш бюллетенини талаб қилиб олиши, овоз берувчилар рўйхатига имзо чекиб, бюллетенни тўлдириши ва уни ёпиқ конвертда участка комиссиясида қолдириши мумкин. Муддатидан олдин овоз берган фуқаролар тўлдирган овоз бериш бюллетенлари референдум куни овоз бериш тугаганидан кейин қутиларни очиш олдидан участка комиссиясининг раиси томонидан комиссиянинг барча аъзолари иштирокида ёпиқ конвертларда овоз бериш қутиларига ташланади.

25-модда. **Овоз бериш якунлари баёни**

Овозларни ҳисоблаб чиқиш якунлари участка комиссиясининг мажлисида муҳокама қилинади ҳамда икки нусхада тузиладиган баённга киритиб қўйилади.

Баённлар сиёҳли ёки шарикли ручка билан тўлдирилади, участка комиссиясининг ҳамма аъзолари томонидан имзоланади ва муҳр босиб тасдиқланади. Агар бир неча референдум ўтказилган бўлса, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида-алоҳида баён тузилади.

Баённинг биринчи нусхаси округ комиссиясига олиб борилади, иккинчиси участка комиссиясида сақлаб қўйилади.

Округ комиссияси участка комиссияларининг баённлари асосида олинган маълумотларни жамлайди, уларни текширади ва муҳокама қилганидан сўнг якунловчи баённи икки нусхада тузади ва имзолаб, муҳр босиб тасдиқлайди, улардан биринчси дарҳол референдум ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясига жўнатиб юборилади ёки бошқа йўл билан етказилади.

Референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиялари овозларни ҳисоблаб чиққанларидан кейин баённларнинг нусҳаларини ва бюллетенларни, шу жумладан бекор қилинган бюллетенларни муҳрланган ҳолида тегишли халқ депутатлари Советларига топширадилар. Бу ерда улар икки ой мобайнида сақланади, сўнгра агар бу вақт ичида референдум натижаларига норозилик билдирилмаган бўлса, йўқ қилиб юборилади.

26-модда. **Референдум натижаларини аниқлаш**

Референдум ўтказувчи Марказий комиссия референдум ўтказувчи барча округ комиссияларининг баённлари асосида:

референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сонини;

бюллетенлар олган фуқаролар сонини;

овоз беришда қатнашган фуқаролар сонини;

референдумга олиб чиқилган қарор лойиҳасини ёқлаб берилган овозлар сонини;

қарши берилган овозлар сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди.

Агар Ўзбекистон Республикасининг референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларининг ярмидан камроғи овоз беришда қатнашган бўлса, референдум бўлмаган, деб ҳисобланади.

Агар референдумда қатнашган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи референдумга олиб чиқилган масалаларни ёқлаб овоз берган бўлса, бу масалалар қабул қилинган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш масалалари юзасидан референдум ўтказилган пайтда, агар Ўзбекистон Республикасининг референдумда қатнашиш учун рўйхатга киритилган фуқароларининг ярмидан кўпи қарорларни ёқлаб овоз берган бўлса, улар қабул қилинган ҳисобланади.

Агар референдумга қарорнинг муқобил вариантлари олиб чиқилган бўлса-ю, улардан бирортаси ҳам етарли миқдорда овоз олмаган бўлса, барча вариантлар рад этилган ҳисобланади.

Референдум вақтида ёки овозларни ҳисоблаб чиқиш чоғида ушбу Қонун овоз бериш натижаларига таъсир кўрсатадиган даражада бузилишига йўл қўйилгани учун референдум натижалари ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин. Бундай бузишлар маълум бўлган тақдирда референдум натижалари устидан бир ой мобайнида Ўзбекистон Республикасининг Олий Судига шикоят берилиши мумкин.

27-модда. **Референдумда қабул қилинган қарорни эълон этиш ва унинг кучга кириши**

Референдум натижаларини референдум ўтказувчи Марказий комиссия овоз бериш тугаганидан кейин ўн кундан кечиктирмай оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистон Республикасининг аҳолисига маълум қилади.

Бирон-бир округ ёки участкада овоз бериш натижалари ҳақиқий эмас, деб топилган тақдирда референдум ўтказувчи Марказий комиссия референдум ўтказувчи тегишли комиссияга мазкур округда ёки участкада икки ҳафта ичида овоз беришни такрор ўтказишни топширишга ёки референдум ўтказувчи Марказий комиссия ўз қарори билан бундай округлар, участкалар бўйича овоз бериш натижаларини, уларсиз референдум умуман бўлиб ўтган деб эътироф этилиши мумкин бўлган тақдирда, референдумнинг умумий натижаларидан чиқариб ташлайди. Референдум ўтказувчи Марказий комиссиянинг қарорлари устидан бу қарорлар қабул қилинган кундан бошлаб бир ҳафта ичида Ўзбекистон Республикасининг Олий Судига шикоят қилиниши мумкин.

Референдумда қабул қилинган қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати томонидан референдум натижалари ҳақида расман хабар қилинганидан кейин кечи билан етти кун ичида матбуотда босиб чиқарилади ва агар референдум қарорининг ўзида бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, эълон қилинган куни кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 18 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ

ҚАРОРИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

«Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинган пайтдан бошлаб амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси **Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 18 ноябрь.

Анвар ИСРОИЛ

БУ ДУНЁНИНГ НОМИ

Азизлар, камина муқаддима ёзиш ниятим-ку йўқ эди ва лекин саҳобайи кирамлардан бирининг қизлари Робия розияллоҳу анҳунинг ровийлардан етиб келган сўзларини эсга олмасдан бўлмади. Ҳазрати Робия айтган эканларки, биз, инсонлар бу дунёнинг нонини еймиз-у охиратнинг ишини қиламиз. Шу ўй бошқа кўплар қатори менга ҳам тинчлик бермайди: чиндан ҳам биз бу дунёнинг нонини ҳалол қилиб еяпмизми?.. Ахир, ҳазрати Навоий ҳам бирон-бир яқинларини дуо қилмоқчи бўлсалар, икки дунё саодатини тилар эканлар. Ул ҳидоят ва саодат насабли зотнинг сўзлари билан сизларни дуо қилишни дилга солган Тангри таолага ҳамдлар айтиб, ушбу машқларни ҳавола этдим.

МУСОФИР

Ёт соҳилга отар гоҳ наҳрул ҳаёт,
Озорлар етқуриб йўлчи жонига.
Ул кимсани кўриб иккиланган зот,
Борингни тўк ҳиммат дастурхонига.

Насибми кимнидир сийламоқ такрор,
Эрта кўргилиги ноаён бугун.
Қорунинг бойлиги, айтгил, не даркор
Бир ғариб кўнгилни шод этмоқ учун!

Ким билсин, каттакон йўллардан нари
Кулбангни боз қайта йўқлаб келар ким...
Одамлардан олис ночор ва қари —
Яшаб ўтарсан ҳам бешовқин ва жим.

Сени-ку эзмасин шум хаёллар бот,
Қисматинг фолида битта сир борким:
Дунёда сен қилган бу — сўнгги ҳиммат,
У кўрган биричи мурувват балким...

ЯЛДО ТУНИДА

Ғафлат бандалари мустасно бундан,
Оқ тонгларни кутган халқимсан бедор.
Ялдо номин олган энг узун тундан
Шеър сўраб турибман ёруғ, шуълавор.

Сен меҳрга пайваст маърифат кўзин
Истиқболга тиккан элимсан мағрур.
Сен — ҳазрат Алишер, Машрабсан ўзинг,
Буҳорийсан — маъно тоқидаги нур.

Ҳобларингга кирар хавф бўлиб ўша —
Не азиз бошларни ёрган чағир тош.
Ортда тунлар қолиб олдда ҳамиша
Нажот шамъи бўлиб порлаган қуёш,

Буюк мунажжимга йиғлади фалак —
Ёруғ юлдузларга ул қадим гўша.
Нур дея ўртанган забун, жонҳалак
Ўзбекнинг энг узун тунидир ўша.

Бардош уйларининг хилват бурчида
Дийдор тилаб не-не жонлар узилган.
Энг узун бир кунинг қирқ биричида
Минг тўрт юз ўн саккиз кунга чўзилган.

Зиёдан бахрасиз не бир золим кас
Кундан қўрқиб яшар каваклар аро.
Ялдо-ку ўткинчи бир кечадир, бас,
Ялдо умрлар бор дунёда қаро.

Қуёшли юрт деса олам-жаҳонда
Сени танир бешак бани одамзод.
Меҳр уруғини урчитиб жонда,
Яшайвер зулмату риёдан озод.

Оқ тонгларни кутган халқимсан бедор,
Қаноатда собит, бардошда қойим.
Тонглари отмагур манфур ва бадкор
Кимсалар қаҳрингга учраган доим.

Қуёш юрти азал, тилаги оқсан,
Нафас қилсанг тунлар чоки сўкилгай.
Зулмат тўзиб битгай бир этак қоқсанг,
Тўндаги гард янглиг ялдо тўкилгай.

Дилни хира қилган заррайи қасрат
Йитсину маҳф ўлсин нурларга сингиб.
Юртим—жонажоним, соҳиби нусрат,
Оқ тонгларга етгил ялдони енгиб.

НИЯТ

Нияти барҳақ халқимиз,
мен кўнгил дафтаримни
Элимнинг эзгу сўзи
ила мудом тўлғаздим.
Боз яна бир ён қўйиб
ўз майда дардларимни,
Хизрга учраган у
сўқир ҳақинда ёздим.
Боболардан қолган гап —
Ҳеч қачон дилдан йироқ —
Тушган хайрли ё бад
бироита бир тилак йўқ.
Йўл усти валий чолга
сўқир кас дуч келароқ
Қўлини тутди илдам:
бошмолдоқда суяк йўқ.
Тила тилагингни, деб
дуога қўл очди чол:
Зумда кўзинг очилгай,
Эй бечора билиб қўй,
Кўр депди: энг муқаддас
тилагимга қулоқ сол:
Одам боласи борки,
барини кўр қилиб қўй.
Алҳазар ё алҳазар,
бу бир ривоят ғарчанд,
Қай бир ёвуз нафасинг
совуқ саси келади.
Ҳушёр ақлга аён
ёмонликка чин фарзанд
Заволга маҳкум жоннинг
талвасаси келади.
Букун олам аҳлига
Кўз керак очиқ, тўкис,
Бусиз ҳам етиб ортар
шум ниятли сўқирлар.
Касларки разолатнинг
Қошида чўкканча тиз,
Жазавада минг сапчиб
Зикру само ўқирлар.
Омон бўл, жонкаш юртим,
Зил юкни орқалаган,
Ҳамиша мардликка шай,
Ҳозир бўлиб кўриндинг.
Азиз жонпораларин
дил-дилидан алқаган
Яшил тўн кийган доно
Хизир бўлиб кўриндинг.
Утинаман, зоримни
тинглагил, қодир ҳаёт,
Толега айла ошно
сен манглайи шўрларни.
Йўлидан адашса ҳам,
оҳ урса ҳам бенажот,
Хизирга йўлиқтирма
лек шум ният кўрларни!

ТУТИНИНГ АРМОНИ

Қуши қафасдаю пойида ити,
Эгаси суярди бирдай эркалаб,
Ҳур бир маъволарни қўмсарди Тўти,
Учиб кетмоқ тилаб ҳар кун эрталаб,

О, бундай лаҳзалар итнинг ҳуриши
Таҳдид янглиғ қушнинг дилин ғашларди.
Тушга дўнардию Тўтининг ҳуши,
Олис ватанига уча бошларди.

Ит эса ҳурарди қафасга қараб,
Қуш муроди унга ноаён эди.
Узинг-ку гувоҳсан баригa, ёраб,
Тўтининг ҳасрати беноён эди.

Қуш бир кун оҳ уриб айлади индо,
Кел, деди, учайлик ҳургандан кўра.
Қайдадир бир юрт бор—жаннатул маъво,
Ишонмасанг агар одамдан сўра...

Бизнинг боғирда ҳам кўкка бўй чўзиб,
Армон дарахтлари ётибди гуллаб.
Таъқиб этар ўша Тўтининг сўзи:
Кел, кўпроқ учайлик камроқ вовуллаб.

САЙРОҚИ ҚУШЛАР МУНОЖОТИ

Кўклам эртасида бу ҳам бир тортиқ —
Қисматки чорлабди баҳс майдонига.
Куйлаймиз биз энди имкондан ортиқ
Шон қўшилсин, дея қушлар шонига.

Ўзинг мадад бергил, ё қодир худо,
Тамоми лол қолсин соме ва ҳакам:
Сен бизни сайрашдан айлама жудо,
Совринни одамлар олиб кетса ҳам!

Хонанда АБДУЛЛАЖОН ҒАФУРОВга

Ёввойи қушларга ҳушим йўқ, укам,
Улар учган ерга уча олмасман.
Қўлга ўргатган ҳам қушим йўқ, укам,
Қуш бўлиб кўкларни куча олмасман.

Аламим — ёввойи бедоналарда,
Ҳар гал тўр қафасни бузиб қочдилар.
Омад ҳам қай бир ёт-бегоналарда,
Билмам, қай кимларга жамол очдилар.

Ёввойи сувларга ройишим йўқдир, —
Олов ёшлигимни оқизиб кетган.
Ишқ ҳам бир ёввойи, дайдигир ўқдир,
Сирли қисмат хатин манглайга битган.

Биз ёввойи сўзни қанча аврадик,
Лек шеърнинг домига тушмади илло.
Боз давра қайтурми ушбу даврадек,
Созинг вафо қилгур, укам Абдулло,

Битта ёввойида илинж бу нафас,
Сўрамагил фақат сен боксини:
Сен бу дам мастона куйлаб берсанг бас
«Тановар»нинг ўша... «ёввойисини».

КУТУБХОНАДА АЖОЙИБ ТАДБИР

Бухоро вилоятининг Ғиждувон районидаги марказий кутубхонада ўқувчиларни жалб этишнинг қизиқ услубини ўйлаб топдилар. Кимда-ким кўпроқ китоб ўқиса, унга омад кулиб боқади: улар пул мукофотлари ва турли хилдаги эсдалик совғаларини оладилар.

Моддий рағбатлантириш ўз таъсирини кўрсатди — токчаларда чанг босиб ётган жаҳон адабиёти мумтозларининг асарлари эндиликда қўлдан-қўлга ўтмоқда. Кутубхонага аъзо бўлганлар сони ҳам 500 кишига кўпайди.

Марказий кутубхонада район «Китобхон» жамияти билан биргаликда «Мўъжизалар майдони» деб аталган ажойиб ўйин ўтказишмоқда. Ўйиндаги турли-туман топишмоқлар, қизиқарли саволлар китобхонлар ўқиган ва севиб қолган романлар ҳамда қиссалар, ҳикоялар ҳамда достонларнинг саҳифаларидан олинган воқеалар асосида тузилади. У ёки бу китобнинг бош қаҳрамонлари, машҳур ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида саволлар берилади. Бундай асарлардан воқиф бўлган ўқувчиларгина тўғри жавоб топа оладилар.

(ЎзТАГ).

Янги нашрлар

ОДОБИНГ — ЗИЙНАТИНГ

Ҳар қандай одамни хуш одоби, яхши хулқ-атвори, ибратли фазилатлари улуғлайди Атрофингизга назар ташланг: меҳр-оқибат танқислашиб бораяпти, деб жар солган бандаи мўмин ўз волидаси, аждодлари руҳига арзирлик ҳурмат кўрсатаётирмикан? Инқирозли жамиятнинг ноодил тизилмаси тарбияга ҳам ўзининг аянчли таъсирини ўтказди. Бугун ота боладан, фарзанд волидасидан тонмоқда, оддий инсоний фазилатлар топталмоқда. Энди иймонга қайтмоқ керак.

Яқинда Ўзбекистон Фанлар Академияси «Фан» нашриёти тарих фанлари номзоди Мусоқул Усмоновнинг «Одобнома» номли китобини чоп этди. Бу китоб олимнинг кўп йиллик меҳнати, кузатишлари самараси бўлиб, у Шарқу Ғарбнинг ахлоқ-одобга оид энг яхши анъаналарига таяниб ёзилган. Муаллифнинг ўз мулоҳазаларини воқеий ҳикоялар билан боғлаб баён қилиши китобнинг қизиқарлилигини оширади. Бугунги ҳаётийликка асосланиб ёзилган бу китоб ўқувчини фикрлашга, атрофга теран назар ташлашга, ўз-ўзига ҳисоб беришга ундайди.

Маҳбуба ИСМОИЛОВА.

ҚАДР ТОПДИ

НАВОИЙ ноҳиясидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалигига 25 йил раислик қилган марҳум Иноят бобо Нуров номи абадийлаштирилди. Дўрмон қишлоғи марказидаги кўчаларнинг бири унинг номи билан аталадиган бўлди. Яқинда хўжаликда катта боғ ташкил этилиб, Иноят Нуров номи берилди.

Ёрқул УМАРОВ.
Навоий шаҳри.

БИР ЙИЛДА ЎН УЧ ОЙ

Гурлан районидаги «Правда» колхозида яна бир замонавий болалар боғчаси пайдо бўлди. Уни хўжаликлараро 301-кўчма механизациялашган колонна ишчилари кичкинтойлар учун қуриб бердилар.

Бу йил мазкур механизациялашган колонна жамоаси ҳар қачонгидан яхшироқ ишламоқда. Киров номли, «Правда» колхозлари, «Янгиобод» совхози унга кўпроқ, буюртма бермоқда. Бинокорлар бу хўжаликларда мактаблар ва болалар боғчалари, уйлар ва клублар қуришмоқда, ободонлаштириш ишлари билан шуғулланмоқда.

Бинокорлар ишлаб чиқариш дастури жуда тиғиз бўлишига қарамай жадвалдан ўзиб ишлаш учун имкониятлар излаб топишмоқда. Улар ҳозирдаёқ йиллик режани бажариш арафасида туришибди. Шундай қилиб, бу йил жамоа ўн икки ой эмас, балки 13 ой ишлаган бўлиб чиқади.

[ЎзТАГ].

Ўзбекистон Республикаси товар-фонд биржаси» «Тошкент» универсал акционерлик жамияти

Сиз пахта толаси, пилла ёки бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олмоқчимисиз?

Қимматли қоғозларингизни фойдали жойга қўймоқчи ёки харидорга ўзингиздаги қўзғалмас молни таклиф қилмоқчимисиз?

Буларнинг ҳаммасини «Тошкент» биржасида унинг Ўзбекистон Республикаси ва бутун мамлакатнинг барча худудлари, етакчи чет эл фирмаларини таништирувчи 280 дан ортиқ брокерлик фирмаси ҳамда идоралари орқали амалга оширишингиз мумкин.

«Тошкент». биржаси улкан Шарқ бозорига йўлдир.

«Тошкент» биржаси — Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон бўйича биржа хизмати учун энг арзон тўлов олади, яъни 0,5%. 9.50 млн. сўмдан ошиб кетадиган ишлар учун хизмат ҳақи 0,3% гача тача туширилган.

«Тошкент» биржаси — Биржалар конгресси ва ҳудудлараро биржа иттифоқи, Ўрта Осиё ва Қозоғистон биржалар уюшмасининг аъзоси, кўплаб халқаро маданият, спорт ва хайрия тадбирларининг ҳомийси.

«ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ—СИЗНИНГ ЮТУҚЛАРИНГИЗ ГАРОВИ!

Биржадаги савдолар: сешанба, чоршанба ва пайшанба кунлари соат 10.00 дан бошланади. Ойнинг иккинчи ва тўртинчи ҳафталарида очиқ савдо ўтказилмоқда. Савдога кириш қиймати — 500 сўм. Тўловлар нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Шошилинг! Биз Сизни кутамиз!

Манзилимиз: 700003, Тошкент, Ўзбекистон проспекти, 45. Ҳисоб счётимиз 000467905, МФО 172682328, счёт 300166428 Ўзбекистон ҚСБ Тошкент шаҳар башқармасида.

Телефонлар: (3712) 45-76-78, 45-77-43.
Факс: (3712) 45-84-76, 45-62-79.
Телекс: 116297 Б
Компьютер алоқа канали: (3712) 45-80-45.
Савдоларни ташкил қилиш ва ўтказиш маркази: (3712) 45-90-79.
Сотиш ёки харид қилиш учун талабномалар қабули: (3712) 45-84-64, 45-83-18.
Брокерлик хизмати: (3712) 45-83-87.
Фонд бўлими: (3712) 45-80-65.
Матбуот хизмати: (3712) 45-79-49.

ХАБАР ТОПГАН БАРЧА ДИНДОШ БИРОДАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Бисмиллаҳир раҳманир роҳим.

Азиз биродарлар! У ва Бу дунё ободлигига муносиб ҳисса қўшиш муқаддас орзуси билан Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги «Олимпия» мавзеъида 10-15 маҳалланинг иймонли аҳолиси ташаббуси билан Аҳмаджон қори номида жомеъ масжид-мадрасаси қурилажак.

Яқин келажакда бу мўътабар маскандан на фақат район ёхуд шаҳар, балки бутун жумҳурият мусулмонлари баҳраманд бўлгайлар. Иншооллоҳ.

Баҳоли қудрат кўмакларингизни истаб, шу қурилажак маскан фаоллари, сиз азизларга, мурожаат этамиз. Ҳаммамизга Тангри мададкор бўлсин!

Жорий ҳисоб-китоб рақамимиз: 000700027, ТОШКЕНТ С. Раҳимов район С. Қ. Б. Аҳмаджон қори Жомеъ масжид-мадрасаси. (п). и. 700179).

Диққат, диққат!

Агар Сиз ҳозирги иссиқлик-қувват ресурслари тақчил шароитда ўз корхонангиздаги қувватни сақловчи технологиялар, приборлар, жиҳозлар ва бошқа иссиқлик манбаларидан унумли фойдаланишни хоҳласангиз. «Иссиқлик-қувват ресурслари иқтисоди ва халқ хўжалигида ноанъанавий иссиқлик манбаларидан фойдаланиш» ҳудудлараро кўп тармоқли илмий-техника ютуқлари ва ғоялар ярмаркасига ташриф буюринг.

Уни илмий-техника маълумотлари ва техника-иқтисодни ўрганиш илмий-текшириш институти (ЎзНИИНТИ), СССР илмий ва инженерлик жамиятлари Тошкент вилоят идораси ҳамда ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш ва ижтимоий ғоялар (НТНЭСИ), илмий-техника фаолияти махсус маркази уюштирган.

Ярмарка 27—29 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисод комитети иқтисод институтининг конференциялар залида ўтказилади (НИИЭ ва НВЦ, Х.Сулаймонов кўчаси, 29).

Сизга РСФСР, Беларусь, Учраина ва бошқа ҳудудлардаги корхоналарнинг лойиҳалари таништирилади.

Сиз таклиф қилинган жиҳозлар ва маълумотлар, меъёрий ҳужжатлар каталогини олишингиз мумкин.

Ярмаркада иштирок этишни хоҳловчилар ЎзНИИНТИ ҳисобига 210 сўм пул ўтказишлари керак (иштирокчиларнинг сони ва лойиҳаларнинг нечталигидан қатъий назар), шунда улар ЎзНИИНТИ ташвиқот бўлимидан иштирокчи учун талабнома — бланк оладилар.

ЎзНИИНТИнинг ҳисоб счёти №000609038, 300166010 Тошкент шаҳар ҚСБ Октябрь бўлимида, МФО банк коди 172682301

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси 171. Телефонлар: 39-12-51, 39-48-71 илмий-техника ташвиқоти бўлими.

А. Икромов номидаги Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти корхона ва ташкилотлардаги раҳбар ходимлар, темир йўл цехларидаги (хўжаликларидаги) барча хизматлар мутахассисларининг темир йўл тармоқларида ишни ташкил қилиш бўйича малакаларини оширади.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилгоҳга мурожаат этилсин: 700045, Тошкент, Одилхўжаев кўчаси, 1, ТошТТИИ, малака ошириш факультети.

Телефонлар: 990-395, 990-333.

Ҳуқуқ ва ахлоқ

ОТА-БОЛА ЎҒРИЛАР

Ҳиндистонлик киноижодкорлар томонидан яратилган «Дунё» фильмини ҳайратҳаяжон билан томоша қилмаганлар кам бўлса керак. Яқинда ойнаи жаҳон орқали ўша фильмни зўр қизиқиш билан кўрганимдан сўнг кўпдан буён ўйлаб юрган фикр-мулоҳазаларимни қоғозга туширгим келди. Ёдингизда бўлса, она ўғирлик қилгани учун ўз ўғлини уриб, бошини ёради, қўниқўшни, одамлар ўртасида шарманда бўлганидан зорланиб, куйиб-ёниб йиғлайди, ҳатто ноқобил фарзандни уйдан ҳайдаб юборади.

Аксинча ҳам бўлиши мумкинми? «Йўқ, албатта», деб жавоб беришингиз тайин. Лекин афсуски...

Иштихон районининг «Қорақия» қишлоғилик Толлибой Йўлдошев бойлик орттиришнинг инсон ақли бовар қилмайдиган разилона усулини қўллагани учун ҳам панжара ортига равона бўлди...

... Бир куни у вояга етмаган ўғли Баҳромни ҳузурига чақириб, янги туғилган қўзичоқлардан топиб (ўғирлаб) келишни буюрди (Ё алҳазар!). Начора, ота амри — вожиб. Баҳром кечки пайт уйига келишган Икромов Қосим ва Толлибоев Сайфиддинга ниятини айтди. Улар ҳам осонгина рози бўлишди. Қўшни Пайариқ районидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалигининг «Гарай» бўлими бош чўпони Номозов Узоқбойга тегишли 5 та қўзи ўша тундаёқ муттаҳам отанинг қўлига тегди.

Ўғирланган молнинг таъми ёқиб қолгач, Толлибой Баҳром ва Қосимга Пайариқ районидаги Калинин номли жамоа хўжалиги фермасидан бузоқ ўғирлашни «маслаҳат» берди. У режанинг осон амалга ошиши учун ўзининг давлат номерисиз кажавали мотоциклини ҳам бериб юборди. «Иш яна муваффақиятли тугади. У 4 бош бузоқни ўмаришда шериклик қилгани учун «рағбатлантириш» мақсадида 200 сўм пулни Қосимнинг қўлига тутқазди. Ўғирланган моллар тезда кўздан яширилди...

Улар содир этган жиноий хатти-ҳаракатларнинг тафсилоти узун. Хуллас, жиноий гуруҳ кенгая борди — Толлибой Йўлдошев вояга етмаган бошқа болаларни ҳам йўлдан оздирди. Ўғрилар кўпайишгани сари «ов»лар ҳам ортаверди. Қарийб уч йил ичида текинхўрлар кўп маротаба мол ўғирлаб жиноят содир этишгани тергов давомида аниқланди, буни жиноятчилар бўйниларига олишди. Мазкур гуруҳ «фаолияти» ҳақида батафсил тўхталмоқчи эмасман. Улар қилмишига яраша жазо олишди. Мени бошқа нарсалар қийнайди, узоқ-узоқ хаёллар суришга мажбур қилади...

Ота (уни ота дейишга тил бормайди) ўз фарзандини ўғирликка ундаса-я! Ака ўз синглисининг номусини булғаса, қайнота ўз келинига ёмон кўз билан қараса... Минг афсуски, шундай аянчли воқеалар юз бераётибди. Наҳот беномуслик, виждонсизлик шунчаликка бориб етаяпти! Ахир, бу маънавий инқироз томон юztубан кетиш-ку! Токай бунга чидаш мумкин? Бундай бузилишнинг интиҳоси қандай бўлишини тасаввур қилиб кўринг-а, даҳшатга тушасиз.

Бутун мамлакатдаги сингари республикамизда ҳам жиноятчилик, жумладан ўғирлик ўсиб бораётгани нафақат ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари ходимларига, балки ҳар бир фуқарога маълум. Уни тўхтатибгина қолмасдан, таг-томири билан бутунлай йўқотиш зарурлиги ҳам барчамизга аён. Хўш, бунинг учун нима қилмоқ керак?

Кейинги пайтларда баъзи оммавий ахборот воситаларида жиноятчиларга нисбатан тан жазосини қўллашни жорий этиш ҳақида ҳар хил чиқишлар бўлаяпти. Назаримда, бу муаммо анча кеч кўтарилди. Агар ҳозирга қадар шундай қонун амал қилиб келаётганида эди, жиноятчилик бугунги даражада ўсиб кетмаган бўларди. Ахир бир вақтлар жазонинг шундай усуллари қўлланилган-ку! Наҳот ўтмишдошларимизни анойи ҳисоблаш керак? Ҳалол ва ҳаромнинг нималиги унутилган жойда жиноят гуллайди, дея бежиз айтилмаганлигини ҳам эсдан чиқармайлик. Кўз олдингизга келтиринг: ўғирлик қилган одамнинг бармоқлари кўпчилик ўртасида чопилди, бир бегуноҳнинг ҳаётига зомин бўлган қотил ҳалойиқ олдида қатл қилинди. Қани айтинг-чи, тарбияси нодуруст бола буни кўрганидан сўнг ўғирлик қилишга журъат эта оладими? Ёки бадном нобакорнинг халқ кўзи ўнгида сазойи қилингани бошқаларга сабоқ бўлмайдими? Бўлади, мен бунга шубҳа қилмайман.

Албатта, булар — ҳуқуқшунос сифатидаги шахсий мулоҳазаларим. Эҳтимол, фикрларим кимларгадир ёқмас, бировлар мени қаҳри қаттиқликда айблашар, яна кимлардир «инсонпарварлик ғояларига зид» деб каминага таъна қилишар.

Нима бўлганда ҳам кўнглимдагиларни тўкиб солгим келди.

Б. САЪДУЛЛАЕВ,
Пайариқ район прокурори,
2 класс ҳуқуқшунос.

БОШ МУҲАРРИР Аҳмаджон МУХТОРОВ

МУАССИС: *Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши*

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй*

Телефонлар: 32-09-87, 33-07-48. Индекс: 64608.
Буюртма № 6307. 118800 нусхада чоп этилади.

Халқ сўзи

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 22.00. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12